
Фурқат туманида энг гавжум бўлган яна З та чорраҳада светофор ўрнатилди

Кейинги пайтларда йўлларда автотранспорт воситаларининг тобора кўпайиб бораётгани яққол сезилмоқда. Лекин автотранспорт воситаларининг кўпаяётгани йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва пиёдалар учун қулай шароитлар яратишни янада долзарб масалага айлантирилмоқда.

Маълумки, туман маркази, марказга ёндош ҳудудлар, ижтимоий обьектлар мавжуд магистрал йўл бўйлари эртадан кечгача автотранспорт ва пиёдалар билан гавжум. Бу ўз навбатида ҳайдовчи ва пиёдалар ҳаракатини тартибга солишини тақозо этиб келмоқда. Жангкетмон, Ҳайит, Эшон маҳаллалари ҳудудидан ўтувчи Навбаҳор-Яйпан магистрал йўли чорраҳаларида З та рақамли светофор ўрнатилди. Бунинг натижасида умумтаълим мактабларига қатновчи ўқувчилар, иккиламчи йўлдан ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчилар учун бирмунча қулайлик яратади.

Бундан ташқари ўтган йил давомида туман марказида, Кўқдўппи, Ғунча маҳалласи ҳудудларида, А376 серқатнов магистрал йўли билан боғловчи Навбаҳор, Бекобод, Шойимбек, Янги маҳалла ҳудудларида шу каби замонавий светофорлар ўрнатилиб, фойдаланишга топширилган эди.

2023-02-20 13:20:27